



Determining cultural norms and stereotypes based on national values

Farkhad USMANOV¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2024

Received in revised form

10 May 2024

Accepted 25 May 2024

Available online

25 June 2024

Keywords:

cultural texts,
cultural code,
linguocultural code,
value,
cultural norm,
stereotype.

ABSTRACT

This article analyzes the key challenges facing modern linguistic and cultural studies, with an emphasis on the relationship between cultural values, norms and stereotypes. The study highlights the integrative nature of 21st century science, especially its convergence with the natural sciences and the application of interdisciplinary methods in linguistics. Linguoculturology, focusing on the interaction of language and culture, allows us to generalize the results of various scientific disciplines, based on knowledge about man, his consciousness and society. The article, using conceptual analysis, studies the cultural significance of pilaf as an element of Uzbek national culture. Cultural aspects such as the custom of serving pilaf as a sign of hospitality, as well as stereotypes associated with pilaf, including its preparation on Thursdays and its role at weddings and funerals, are analyzed. The study demonstrates how pilaf becomes a symbol of gratitude and hospitality, which indicates the expansion of its symbolic meanings in the context of Uzbek culture.

2181-3701/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol2-iss1/S-pp592-598>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Миллий қадриятлар асосида маданий меъёр ва стереотипларни аниқлаш

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

маданият матнлари,
маданий код,
лингвомаданий код,
қадрият,
маданий меъёр,

Мақолада ҳозирги лингвомаданиятшунослик олдида турган вазифалар, хусусан, қадрият, маданий меъёр ва стереотиплар муносабатдорлиги ёритилган. XXI аср фани интегративлиги билан ажралиб туради. Эндиликда унинг табиий фанлар билан ҳам яқинлашиши, тилшуносликка

¹ PhD in Philology, Associate Professor, Andijan State University, Andijan, Uzbekistan. E-mail: ufarhod001@gmail.com

стереотип.

турли фанлар методларининг қўлланишини ҳам кузатиш мумкин. Лингвомаданиятшунослик нафақат тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатларига асосланади, балки уларнинг ўзаро муносабатлари инсон, унинг онги, тафаккури ва шу шахс яшаётган жамият ҳақидаги билимлар фонида содир бўлишини ҳисобга олиб, бошқа фанларнинг натижаларини ҳам умумлаштириш қувватига эга. Зеро, унинг илмий қизиқишлари марказида лисоний шахс ва маданият туради. Мақолада ўзбек миллий моддий қадриятларидан бўлган палов-ош концептологик таҳлил тамойиллари асосида таҳлил этилиб, таҳлиллар асосида ўзбек миллий менталитетида азиз инсонни ош билан меҳмон қилиш, элга айнан ош бериш орқали эҳсон қилиш лозимлиги тўғрисидаги маданий меъёрлар ҳамда ош меҳр уйғотиши (бир товоқдан ош еган, ош-қатиқ), унинг тўйда, маъракада ва чойхонада ёки оилада, пайшанба кунлари тайёрланиши каби стереотиплар аниқланган. Шундан стереотиплар қуршовида бўлгани боис унинг маъноси тўй, гап-гаштак ҳамда миннатдорчилик маъноларига томон кенгайиш тенденцияси кузатилаётгани далилланган.

Определение культурных норм и стереотипов на основе национальных ценностей

Ключевые слова:

тексты культуры,
культурный код,
лингвокультурный код,
ценность,
культурная норма,
стереотип.

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются ключевые задачи, стоящие перед современными лингвокультурологическими исследованиями, с акцентом на взаимосвязь культурных ценностей, норм и стереотипов. Исследование подчеркивает интегративный характер науки XXI века, особенно его конвергенцию с естественными науками и применение междисциплинарных методов в лингвистике. Лингвокультурология, акцентируя на взаимодействии языка и культуры, позволяет обобщать результаты различных научных дисциплин, исходя из знаний о человеке, его сознании и обществе. В статье, используя концептуальный анализ, изучается культурная значимость плова как элемента узбекской национальной культуры. Проанализированы такие культурные аспекты, как обычай угощения пловом в знак гостеприимства, а также стереотипы, связанные с пловом, включая его приготовление по четвергам и его роль на свадьбах и поминах. Исследование демонстрирует, как плов становится символом благодарности и гостеприимства, что свидетельствует о расширении его символических значений в контексте узбекской культуры.

SUMMARY

The integration of linguistics with exact sciences has led to the application of systematic principles in linguistics, resulting in the identification of hierarchical relationships among language units and a focus on their interrelationships. This scientific paradigm has achieved significant advancements. Cultural texts represent various manifestations of culture, reflecting its norms and distinctive features. These texts, in a broad sense, encompass traditions, customs, artistic works, and behaviors, serving as encoded cultural messages. Understanding national interpretations is crucial, as gestures and symbols can vary across cultures.

Human activities are guided by cultural programs expressed through codes, with linguistic cultural codes being one form. Codes convey values, shaping and maintaining cultural norms and stereotypes. Regardless of ethnicity, individuals live within the norms of their culture, which are crucial for societal regulation. Cultural norms are unwritten rules influencing social processes, with values providing them with profound meaning. Values serve as goals, while norms act as means to achieve them.

Uzbek cultural values, such as hospitality and the significance of "osh" (plov), highlight national identity. The preparation and consumption of plov carry cultural norms and symbolic meanings, deeply ingrained in Uzbek consciousness. Plov is not just a dish but a symbol of hospitality, social cohesion, and cultural pride, illustrated through various idiomatic expressions and cultural practices. Its significance is recognized by UNESCO as an intangible cultural heritage.

Studying values from a linguistic-cultural perspective enhances understanding of cultural norms and national worldviews, facilitating better intercultural communication.

КИРИШ

XX асрда тилшуносликнинг аниқ фанлар билан интеграцияси системавийлик тамойилларининг тилшуносликка татбиқ этилиши, у орқали эса тил бирликлари иерархиясини аниқлаштириш, уларнинг ўзаро муносабатларига эътиборнинг ортиши, умуман, тилшуносликда аниқлик тамойилининг устунлигига олиб келди. Ушбу илмий парадигма кўплаб ютуқларга эришди ва эришмоқда.

Маданият матнлари маданиятнинг турли кўринишдага воқеланиш шакллари бўлиб, уларда маданиятда турғунлашган меъёрлар, умуман, маданиятга хос қирралар акс этади. Бунда “матн” кенг маънода бўлиб, маданиятнинг матни анъана, одат кўринишида, турли санъат асарлари ва хатти-ҳаракатлар кўринишларида бўлиши мумкин. Шу маънода улар нафақат белги, балки кодланган матн ҳамдир. Ўзбеклар ўзи ҳақида гапириб, бармоғини кўксига теккизиб, ўзини кўрсатиши мумкин, япон эса худди шу маънода бармоғини бурнига текказишини тушуниш учун унинг миллий талқини билиш керак бўлади. Шу ҳолатда бундай ҳаракатлар белгидан юқорироқ бўлган шифрни ечишни талаб қиладиган моҳият – код экани ойдинлаша боради.

Маданий кодлар, ўз навбатида, лисоний воқеланиш имкониятларига эга. Тилнинг беқиёс қудрати у орқали ҳар қандай нарсани ифодалаш мумкинлигида бўлиб, ушбу қудрати билан инсонни ўз асирига айлантиради. Маданият турли меъёр ва қадриятларни қандай қабул қилиши ва авлодларга етказишини кўрсатувчи лингвомаданий кодлар ўз ичига турли образ ва рамзларни мужассамлайди. Лингвомаданий код миллий ўзликни англашда ва уни сақлашда аҳамиятга эга: улар тил ва маданият ўртасидаги чуқур алоқаларни очиб беришга, қадриятлар жамиятда қандай намоён бўлишини ва узатилишини тушунишга ёрдам берадиган элемент бўла олади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қадриятлар фалсафа, жамиятшунослик, психология каби фанлар билан бирга, лингвомаданиятшунослик учун ҳам тадқиқот объекти бўла олади. Қадрият маданиятнинг муҳим белгиси бўлиб, унга берилган таърифларда ҳам такрорланади. Масалан: “маданият деганда, миллат ҳаётидаги устувор қадриятлар билан шартланган мавжудлик қоидаларига эга ижтимоий организм тушунилади” [1, 11] ёки “ҳар қандай маданиятнинг асоси ва пойдевори айнан қадриятдир” [2, 21]. Биз Л.Уайтнинг маданиятнинг уч соҳада: 1) эътиқодлар, ҳиссиётлар, қоидалар, қадриятлар; 2) жамиятдаги одамларнинг ўзаро муносабатлари; 3) жамиятда яратилган ва фойдаланиладиган моддий объектларда мужассамланиши борасидаги фикрларига [3] қўшиламиз. Айнан қадриятларни билиш тилда акс этган миллий менталликни тушуниш имконини беради.

ТАҲЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Инсонинг ҳаёт фаолияти турли кодлар орқали ифодаланадиган, яъни воқеланган ўз даврига мос бўлган маданий дастурлар билан белгиланади. Код бунда маданиятнинг “тил”и, восита вазифасини бажаради. Бу “тил” вербал белгилар қобиғига кирса, лингвомаданий кодга айланади. Шундай бўлса-да, код ўзига кўп юкни ололмайди, у воситадир: кодлар қадриятларни воқелантиради ва узатади, қадриятлар кодларни шакллантиради ҳамда улар томонидан қувватланади. Бунда оламнинг қадриятли манзараси учун яна бир муҳим масала – маданий меъёр ва стереотипларга эътибор орта боради.

Миллати ва ирқидан қатъий назар, инсон ўзининг ҳамда ўзи мансуб бўлган маданиятнинг меъёрлари оламида яшайди. Маданиятшуносликда маданий меъёр ўта муҳим масалалардан биридир. Улар жамият фаолиятида муҳим – жамият ҳаётини тартибга солиш вазифасини бажаради [4, 140].

Маданият назариясига оид асарларда маданий меъёр бирор-бир ҳаракат ёки нарсасоҳисаларга тааллуқли намунавий қоидалар сифатида таърифланади. Демак, қадриятлар меъёрлардан озиқланади, уларга юксак мазмун бахш этади. “Аксарият маданий меъёрлар одат тусига киргани боис, социомаданий жараёнларга таъсир этади” [5, 170]. “Маданий меъёрлар аксарият ҳолларда ёзилмаган қоидалар тарзида яшайди” [6, 139].

Ю.Н. Солонин ва М.С. Каганлар маданий меъёрларни *регулятивлар* деб атаб, уларнинг ўзаро муносабатини шундай тасвирлайдилар: “қадрият ва идеаллар инсоннинг фаолияти йўналтирилган *мақсад* сифатида, регулятивлар эса шу фаолиятни ташкил этиш *воситалари* сифатида гавдаланади. Бинобарин, қадриятлар ва идеаллар ҳам инсон ҳуқуқининг регуляторларидир, лекин улар туртки бераётган *нарсани*, регулятивлар эса шу нарса қандай амалга оширилиши кераклигини ифодалайди” [4, 140].

Демак, қадриятлар, маданий меъёр ва стереотипларнинг муносабатини қуйидагича ифодалаш мумкин: қадриятлар маданий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қилади; ижтимоий муносабатларда нима яхши, нима ёмон, нима ижобий, нима салбий эканини белгилайди. Маданий меъёрлар қадриятларга асосланган ҳолда маълум бир қоидалар мажмуига айланади, жамият ижтимоий ҳаётини шу қоидалар асосида тартибга солади. Стереотиплар қадрият ва маданий меъёрлардан шаклланган турғунлашган тасаввурлар бўлиб, баъзан қайси меъёрларга асосланиши жамиятнинг алоҳида бир аъзоси учун тушунарли бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ўзбек миллий қадриятлари хусусида сўз юритиш ўзбекнинг меҳнаткашлиги, меҳмондўстлигини тилга олмасдан асло мумкин бўлмаганидек, унинг миллий таоми

бўлган ош (палов) қадриятини четлаб ўтишнинг ҳам имкони йўқ. Зеро, у оддий таом эмас. Унинг ўзбек кишининг онгига чуқур синггани, турли маросимларнинг муҳим атрибутига айлангани, ўзаро дўстона муносабатларнинг ҳам образига айлангани унга ўзгача эътибор мавжудлигининг далилидир.

Лисоний аспект. *Ош* сўзи (ф. ёвғон шўрва, хўрда; овқат) 1 пиширилган иссиқ овқат, 2 умуман, ҳар қандай овқат, таом; 3 палов маъносини англатади (ЎТИЛ, III, 168). Қўринадики, сўзнинг маъноси “умуман овқатдан” таомнинг бир тури – “палов”га томон торайган. **Палов** эса “асосий масаллиғи гуруч, ёғ, гўшт ва сабзидан иборат, қовуриб, қайнатиб ва дамлаб тайёрланадиган куюқ овқат; ош” (ЎТИЛ, III, 210) маъносини англатади. *Ош* сўзи маъносининг ҳозирги тараққиёти унинг кенгайиш тенденциясини ҳам кўрсатади. Ош – тўй маъносида (*наҳорги ошга борамиз*), гап-гаштак маъносида (*бугун ҳамкасблар билан ошимиз бор*) кабилар.

Ўзбек “еган-ичганинг татисин, сингсин, ёқсин каби маъноларда “*ош бўлсин*” дейди. Ош (палов) шу қадар кундалик турмушимиз ва онгимизга сингганки, ўзбек тилининг фразеологик фондида “тўй-маросим муносабати билан катта қозонда палов дамлатиб, зиёфат ўтказиш” маъносида **ош бермоқ** (ЎТФЛ), ибораси, *Элдан ош есанг, элга ош бер* (ЎХМ) мақолида у ризқ билан бирга, жамият олдидаги мажбуриятдек гавдаланади.

Қуйидаги ибора ва мақоллар мазмунидан эса ош тириклик белгиси сифатида талқин этилиши мумкин: “*Ўлдирса, ош ўлдирсин*”, “умрнинг поёнига етай деб қолмоқ, кўп қисмини яшаб бўлмоқ” маъносидаги *ошини ошаб, ёшини яшамоқ* (ЎТФЛ) иборалари ҳамда *Умрингдан бир кун қолгунча, ош е, Пулингдан бир тийин қолгунча, ош е* (ЎХМ) мақоли.

Умуман, ош – палов дўстлик, биродарликни мустаҳкамловчи вазифаси, инсонларо муносабатларга хизмат қилишини ўзбек тилидаги *ош-қатиқ бўлмоқ* (“муносабатлари жуда яхши бўлмоқ, ўзаро яхши келишмоқ” (ЎТФЛ), *ошга паиша тушди* (“яқин кишилар суҳбати номақбул кишининг келиши билан бўлинди, бузилди” (ЎТФЛ) ибораларининг умумий мазмунидан англашилади.

Ўзбек жамоаси бирор масаланинг маслаҳати билан тўпланса, у ерда ош бўлмаса ҳам *маслаҳат оши* иборасини қўллайди. Бу яна бир бор унинг уюштирувчи, тўпловчи вазифасини кўрсатади. Уни эркалаб *паловхонтўра* ҳам дейдилар. Масалан, – *О, келин паловхонтўрани боплабдилар-ку, тилладай ош бўпти-ку, маза қиламиз экан-да! – Зиёд мақтай-мақтай енг шимаришга тушди* (М. Мансуров. Ёмби).

Ўзбек тилида таом ҳақида кўп ҳам гапирилмайди; унинг нимагадир, айниқса, меҳроқибатга ўлчов қилиб кўрсатиш бегона. Фақат ош учун бундай эмас. Зеро, маиший тафаккурга кўра *бир товоқдан ош еганлар* оқибатли бўлади. Меҳмонга доим ош қилиниши меҳмонни азиз билган ўзбек учун ошнинг ҳам энг азиз таом эканини англатади. У меҳмонни кузатишнинг энг зарурий шартидир: *Меҳмон келса, пастга туш, Палов бермоқ аҳдга туш* (ЎХМ). Яна соғлиқни сақлаш шартларидан бири бўлган тўғри овқатланиш учун ҳам у универсал воситага айланади. Масалан, *Бой бўлсанг, шолғом е, Камбағал бўсанг – палов* (ЎХМ) мақолида паловнинг қувватли таом эканини, бойнинг қуввати ҳам, эти ҳам етарли эканини инобатга олиб, уларга шолғом ейиш фойдали, камбағалга эса зарур қувватни ош бериши мумкинлигининг таъкиди сифатида қабул қилиш мумкин.

Ушбу қадриятнинг маданий-семиотик аспекти сифатида, шубҳасиз, унинг тайёрланиш жараёнидан тортиб, истеъмол қилинишигача бўлган маданий меъёрларни киритиш мумкин. Бунда унинг қўл билан истеъмол қилинишига махсус маъно юкланади. Кексаларнинг айтишича, “ош қўлда ейилганда таъм ҳислари бармоқ учларидан тўғри орқа мияга бориши, натижада кўп миқдорда ошқозон шираси ажралиб

чиқиши таъминланади” [7]. 2016 йилда палов тайёрлаш маданияти ва анъанаси ЮНЕСКО номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилган.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да *маслаҳат оши* атамаси берилиб, шундай изоҳланади: МАСЛАҲАТ ОШИ – тўй кенгаши – Ўрта Осиё халқларининг тўй билан боғлиқ маросимларидан бири. Маслаҳат оши тўйдан бир неча кун олдин ўтказилади. Маслаҳат ошига маҳалла, қишлоқ тўй комиссиялари вакиллари, оқсоқоллар, маҳалладан қариялар, кўни-кўшнилар, қариндошлар чақирилади.

Бу тадбир қандай ўтказилишдан қатъи назар ўша кун ош дамланиб, меҳмонлар зиёфат қилинади” (ЎЗМЭ). Шунингдек, *маслаҳат оши* ибораси тўйдан бошқа вақтлардаги йиғилиб маслаҳат қилиш жараёнлари учун ҳам қўлланилади.

Палов мавзуси ўзининг маданий-эмоционал аспектига ҳам эга. Ҳатто ижтимоий тармоқларда *Қаернинг оши зўр?* мавзусида тортишув ва баҳслар юзага келади. Тилшунос олим Э.Асанов ўзининг ижтимоий тармоқдаги каналида шундай ёзади: “Ўзбекларда ош билан боғлиқ бир оммавий баҳс кенг тарқалган, у бўлса ҳам “энг зўр ош бизники” баҳси”[8]. Эътибор беринг, бунда ош ғурур талашишга олиб бормоқда.

Ошнинг рамзий турлари ҳам бор. Масалан, *яраш оши*: *Сурия ва Туркия “яраш оши” томон...* [9]; *Абдуллоҳиён Покистонга “яраш оши”га борди* [10]. Ёки халқ тилида қандайдир ютуқни нишонлаш маъносига *ювиш оши* иборасининг қўлланилганлигини кўриш мумкин.

Миф ва афсоналар. Паловнинг келиб чиқиши хусусида ўзбек жамиятида бир афсона юради. Унга кўра, “Бухоро ҳукмдорининг ўғли камбағал оиладан бўлган гўзал қизни севиб қолади. Иккаласининг мавқеи, жамиятда тутган ўрни тенг бўлмаганлиги сабаб, улар орасидаги никоҳ имконсиз эди. Бахтсиз муҳаббатдан азоб чекаётган шахзода еб-ичиш ва ҳаётдан завқланмай қолади, кундан-кун заифлашади. Шунда ҳукмдор машҳур табиб Ибн Синони чақиртириб, ундан ягона меросхўрини даволаб беришини ўтиниб сўрайди. ...Табиб эса йигитни етти масаллиқдан иборат кучли таом – палов билан даволаш мумкинлигини айтади. ...Ибн Сино йигитга ошни едирган сайин шахзодада куч-қувват ошади. Шундан сўнг, халқ орасида мазкур таом нафақат даволаб куч берувчи, балки зиёфат ва байрам таомига ҳам айланади”[11]. Бу, албатта, **халқ этимологияси**. Ушбу афсонанинг ҳам, *палов* сўзи этимологиясининг манбаси ҳам келтирилмайди. Аммо халқ онгида улар яшамоқда. Шундай бўлса-да, келтирилган афсона аксиоген вазият бўлиб, ундан англашиладиган меъёрлар қуйидагилардир: 1) палов қувват берувчи таом; 2) палов – зиёфат ва байрам таоми. М.Фасмер томонидан келтирилган этимологияси ишонарлироқ: *пилáв* “гуручдан бўлган таом”, туркча *pilav* “пиширилган гуруч”[12, 261].

Юқорида *ош* ва *тўй*нинг контекстуал синоним даражасига кўтарилишини кўрган эдик. Кейинги ҳолат эса ундан юқорида даражадаги хулоса бериш имконини беради. Яъни халққа ош бериш, тўй бўлса ҳам, маърака бўлса ҳам, эҳсон эканлиги ойдинлаша боради: *Орадан тўрт ой ўтиб, вилоят ҳокими Эргаш Носиров поччасининг йил ошини ўтказди* (С.Аҳмад. Азоб).

“Ўзбек тили ассоциатив луғати”да *палов* стимул сўзига берилган жавоб реакцияларининг дастлабкилари қуйидагича: *ош, таом, гуруч, пайшанба, сабзи, овқат, оила, девзира, зиғир ёғ, чойхона, аччиқ-чучук, дада, гўшт, лазер, меҳмон* [13. 204]. Жавоб реакциялари мазмуний гуруҳга ажратиш натижасида ошни тайёрлаш учун маҳсулотлар кўп саналганининг гувоҳи бўламиз. Палов деганда паловнинг ўзи ва унга бевосита боғлиқ маҳсулотлар, у билан бирга истеъмол қилинадиган маҳсулотлар хотирада тикланиши табиийдир. Улардан ташқари қолган реакциялар *пайшанба, оила,*

чойхона, дада ва меҳмон бўлиб, буни мухтасар қилиб шундай талқин этиш мумкин: Палов тайёрланиш вақти асосан *пайшанба*; уни тайёрловчи асосан *дадалар*; тайёрланиш ва истеъмол жойи *оила* (уй) ёки *чойхона*; *меҳмон* келиши палов тайёрланиши учун сабабдир. Паловнинг *оила, дада, меҳмонлар* билан боғланиши унинг ҳам улар каби азиз ва қадрли эканини англатади.

ХУЛОСАЛАР

Юқоридагилардан ўзбек миллий менталитетида азиз инсонни ош билан меҳмон қилиш, элга айнан ош бериш орқали эҳсон қилиш лозимлиги тўғрисидаги маданий меъёрлар ҳамда ош меҳр уйғотиши (*бир товоқдан ош ейиш, ош-қатиқ*), унинг тўйда, маъракада ва чойхонада ёки оилада, пайшанба кунлари тайёрланиши каби стереотиплар англашилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қадриятларни лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш маданиятнинг меъёрлари ва миллатнинг дунёқарашини чуқурроқ тушуниш, маданиятлараро мулоқотни яхшилаш учун зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Малюга Ю.Я. Культурология. – М.: ИНФРА-М., 2004. – 333 с.
2. Сорокин П.А. Социальная и культурная динамика. Исследование изменений в больших системах искусства, истины, этики, права и общественных отношений. – СПб.: Изд-во РХГИ, 2000. – 1054 с.
3. Leslie A. White. The concept of culture. – Indianapolis: Bobbs-Merrill. 1959.
4. Солонин Ю.Н., Каган М.С. Культурология: Учебник. – М.: Высшее образование, 2007. – 566 с.
5. Лихвар В.Д., Погорелый Д.Е., Подольская Е.А. Культурология. – М.: Эксмо, 2008. – 416 с.
6. Усманов Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. б. фалс. док. ...дисс. – Тошкент, 2020. – 173 б.
7. https://uza.uz/uz/posts/iskandar-temur-va-ibn-sino-nomi-bilan-bogliq-taom-yoxud-palov-tarixi-haqida-nimalar-malum_360817?q=%2Fposts%2Fiskandar-temur-va-ibn-sino-nomi-bilan-bogliq-taom-yoxud-palov-tarixi-haqida-nimalar-malum_360817
8. <https://t.me/AsanovEldar/576>
9. https://uza.uz/uz/posts/jumadan-zhumagacha_497243
10. <https://qalampir.uz/news/abdullo%D2%B3iyen-pokistonga-yarash-oshi-ga-bordi-96592?ysclid=lxw03hffl8802449567>
11. https://uza.uz/uz/posts/iskandar-temur-va-ibn-sino-nomi-bilan-bogliq-taom-yoxud-palov-tarixi-haqida-nimalar-malum_360817
12. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. В 4 т. Том 3. / Пер. с нем. и доп. О.Н.Трубачева. 2-е изд., стер. – М.: Прогресс, 1987. – 832 с.
13. Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. O'zbek tili assotsiativ lug'ati (milliy-madaniy birliklar). – Toshkent: "Navoiy universiteti" NMU, 2019. – B. 204.